



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 24 июнь, № 127 (9022)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, энергетик ўтиш ва сув ресурсларини трансформация қилиш вазири Фадиллоҳ бин Юсуф бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Малайзиянинг нуфузли делегацияси икки томонлама музокаралар ўтказиш ҳамда Самарқанд шаҳридаги Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича форумида иштирок этиш учун расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашув аввалида Фадиллоҳ бин Юсуф давлатимиз раҳбарига Бош вазир Анвар Иброҳимнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон — Малайзия кўп қиррали муносабатларини жорий йил февраль ойи-

да Куала-Лумпурга амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган келишувлар доирасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги алоқалар, ташрифлар ва алмашинувлар фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ошди. Кўшма корхоналар сони ва авиақатновлар кўпайди. 24 июнь кuni икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форуми бўлиб ўтади.

Иқтисодий ҳамкорликда мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқариш ҳамда савдо, инновациялар, «яшил» энергетика, нефть-газ ва химё, геология, сув ресурсларини бошқариш, электроника ва яримўтказгичлар sanoati, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, зиёрат туризмни ривожлантириш ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини фаол илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ РЕЖА ВА ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь кuni йирик sanoat корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор қувват манбалари билан таъминлаш мақсадида “яшил” энергетика жадал ривожлантирилмоқда. Қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми аввалги 59 миллиарддан ҳозирда 82 миллиард киловатт-соатга етди.

2030 йилга бориб юртимиз аҳолиси 41 миллиондан, иқтисодиёт ҳажми 200 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Табиийки, бу электр энергиясига қўшимча талаб туғдиради. Шунинг учун қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг ишга солиш чоралари қўрилмоқда.

Тақдимотда бу йил амалга оширилган лойиҳалар ва яқин келажадаги режалар ҳақида ахборот берилди. Улардан асосий мақсад генерация, модернизация ва энергия самарадорлиқдир.

Хусусан, йил якунигача 12 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси, 12 та энергия сақлаш тизими ишга туширилади. Уларга жами инвестиция ҳажми 5 миллиард доллардан зиёд бўлиб, салкам 9 миллиард киловатт-соат қувватга эга бўлади. Шунингдек, бу йил умумий қиймати 7 миллиард 200 миллион долларлик яна 11 та лойиҳа қурилиши бошланади.

Энергияни нафақат ишлаб чиқариш, балки тежаш ҳам жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан энергия исрофини камайтириш, айниқса, йирик sanoat корхоналарида тежамкор усуллар ўрнатиш вазифаси қўйилган. Юртимизда жами электр истеъмолининг учдан бир қисми 18 та тармоққа тўғри келади. Масалан, сув ҳўжалигидаги насосларга йилга 6,5 миллиард киловатт-соат электр сарфланапти.

Шу боис 12 та йирик насосни модернизация қилиб, ҳар бирига 75-100 мегаваттлик қуёш станцияси ҳамда 50 мегаваттлик сақлаш қурилмаси ўрнатиш вазифаси белгиланди. Натижада насосларнинг электр сарфи йилга 2 миллиард киловатт-соатга камайиб, 4,5 миллиард киловаттга тушадди. Бу ишлар, аввало, сув чиқариш таннархи банд бўлган Қарши магистраль каналидан бошланади.

Нефть-газ корхоналарида ҳам 240 мегаваттлик қуёш станцияси ва 300 мегаваттлик сақлаш қурилмалари ўрнатиб, камида 600 миллион киловатт-соат электр олиш имконияти бор.

Умуман, ййгилишда электр истеъмоли юқори 18 та тармоқни ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиган тизимга ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Ижтимоий муассасаларда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

ТАШҚИ САВДО ВА ТРАНСПОРТ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь кuni ташқи савдо ва транспорт-логистика соҳаларида кечиктириб бўлмайдиган чоралар муҳокамаси бўйича ййгилиш ўтказди.

Сўнгги кунларда Яқин Шарқда рўй берган ҳарбий ҳаракатлар шундоқ ҳам нотинч вазиятни янада кескинлаштирди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳонга чиқиш йўллари ва ташқи савдо алоқаларига салбий таъсир этмай қолмайди.

Шу боис вазиятни тўғри баҳолаб, ташқи савдо, инвестиция, транспорт соҳаларида тезкор чоралар кўриш шартлиги қайд этилди.

Хусусан, экспорт йўналишларини диверсификация қилиш, юкларни бошқа хавфсиз портларга кўчириш зарур. Бу эса, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ташиш харажати 30 фоизгача ошишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ҳамкор давлатлар

билан муқобил йўллари келишиш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди. Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа дахлдор идоралар раҳбарларига тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ишлаб, экспорт-импорт амалиётларига кўмаклашиш, маҳсулотларига қўшимча бозорлар топиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни изчил давом эттириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МЎЎУЛИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ Улан-Батор шаҳрида олий даражадаги икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, sanoat тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, кончилик, транспорт соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш эътибор марказида бўлади.

Саммит якунида келишувлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Ў.А.

ПРАГМАТИЗМ СИЁСАТИ

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар негизда куруқ сўз ва ваъдалар эмас, балки муайян ишлар, тадбирлар мужассам

Мулоҳаза

Бундан бир неча ўн йил аввал минбардан туриб сўз айтиш узоқ давом этган машаққатли меҳнат, чуқур билим ва масъулият туфайли эришилган юксак мавқе ҳисобланарди. Уша даврларда жамият номидан гапириш учун инсон муайян ҳаётий ва раҳбарлик йўлини босиб ўтган, халқ ичида обрў-эътибор қозонган бўлиши керак эди. Шу боис маърузалар ва чиқишларда куруқ сафсатага йўл қўйилмасди. Бир лаҳзада эфирга чиқиш ҳаммага ҳам насиб этмасди, сўзинг юки оғир эди. Бу эса жамият билан мулоқот ҳамда сиёсий маданиятнинг етуқлигидан далолат эди.

Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Бир лаҳзадаёқ ўз фикрини билдириш даври келиб ОАВ, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда ҳар ким хаёлига келган гапни айта бошлади. Аммо айтган сўзлари учун жавоб бериш масъулияти-чи? Ҳамма-

ям бунга қодир эмас. Медиамакон турли ваъдалар, шиорлар ва баёнотлар билан тўлиб-тошиди. Уларнинг ортида эса натижа ёки стратегик режа доим ҳам мавжуд эмас. Шунақа ҳолатгаёям гувоҳ бўлмоқдамизки, ҳатто халқро кун тартибига тегишли энг муҳим мавзулар шахсий “пиар”га, дастакка айланиб қоляпти.

Хўш, ана шундай шароитда Ўзбекистонда нималар юз бермоқда? Журналистика соҳасида кўп йиллар

меҳнат қилган инсон сифатида дадил айта оламнки, бизнинг юртимизда ахвол бошқача.

Президент Шавкат Мирзиёев прагматик сиёсат олиб бормоқда, унинг асосида эса — бандпарвоз сўзлар эмас, балки аниқ режа, муайян иш ва фикр мужассам. Бу ислохотлар ортқича мақтовларсиз, балки сезиларли ютуқлар билан амалга оширилаётганидан далолат.

➡ 3

Бу сонда:

БМТ форуми:
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН
МУҲИМ ПЛАТФОРМА ➡ 4



Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



2-саҳифага қаранг. ➡

ШИДДАТЛИ ЎЗГАРИШЛАРГА
ЮЗ БУРАЁТГАН ДИЁР



5-саҳифага қаранг. ➡

СИРДАРЁДА БИР ҚАНЧА СОҲАЛАРДАГИ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида ўрганишлар олиб борди. Дастлаб халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ва унинг котибияти фаолияти ўрганилди. Хусусан, халқ вакилларининг фуқаролар билан бевосита мулоқот орқали маҳалла ва оилалардаги муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ҳамда ташаббусларни қўллаб-қувватлаш механизми таҳлил қилинди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатларининг қонунийлик, ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган фаолияти кўриб чиқилди. Таъкидлаганидек, депутатларнинг фуқаролар билан ўрнатган доимий мулоқоти му рожаатларнинг ҳал бўлишига, маҳаллалардаги инфратузилмани яхшилашга, таълим, тиббиёт ва бандлик соҳаларидаги муаммолар таҳлилига ва жойларда муҳим ташаббусларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўрганишлардан шу нарса аён бўлмоқдаки, маҳаллий даражадаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш баробарида депутатлар масъулияти тобора ошиб, жамиятдаги роли кучаймоқда, натижада депутатлик назорати ишлари ҳам жамиятга ижобий таъсирини намоён этмоқда.

Сенат ишчи гуруҳи томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятида келгусида қайси йўналишларда эътиборни кучайтириш, аниқ натижаларга эришиш, фуқаролар ишончини мустаҳкамлаш борасида зарур тавсиялар берилди ва янги вазифалар белгилаб олинди.

Сенаторлар ўз ўрганишларини давом эттириб, Сирдарё туманида жойлашган Пахтакор маҳалласи “маҳалла этилиги”нинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя чораларини кучайтиришга қаратилган ишларни амалга ошириш баробарида ишсиз фуқароларга кредитлар ажратилиб, янги кичик бизнес лойиҳалари йўлга қўйилгани таъкидланди.

Маълум бўлишича “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” орқали аҳолининг ижтимоий заиф қатлами ни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, “аёллар дафтари”даги 140 нафар хотин-қиз ва “ёшлар дафтари”даги 14 нафар ёшга давлат томонидан субсидиялар ажратилган. Шунингдек, 12 нафар аёл ва 2 нафар йигит-қиз имтиёзли кредитлар орқали ўз тadbиркорлик фаолиятини бошлаган.

Маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш мақсадида 85 та маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаси, шунингдек, 4 та тикувчилик ва 2 та қан্দолоatchилик цехи ташкил этилган. Бу каби кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмалари аҳоли

бандлигини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Сенат ишчи гуруҳи вилоят “Хунармандлар маъкази”да бўлиб, хунармандлар ва фаол аёллар билан учрашди.

Очиқ мулоқот давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида ҳудудларда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, бу жараённи қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлашди ва жойларда аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг тadbбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга доир янги имконият ва механизмлар ишлаб чиқилаётгани ҳақида фикр юритилди.

Сенат ишчи гуруҳи аъзолари Сирдарё вилоятига ташриф доирасида нафақат саноат соҳасидаги ютуқлар, балки маҳаллий даражадаги ислохотлар, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тadbбиркорликни рағбатлантириш ва инфратузилмани яхшилаш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишди.

Хусусан, ишчи гуруҳ аъзолари фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган “Rivermed” корхонасида бўлиб, меҳнат жараёнини кўздан кечирди.

Корхона ўзининг юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш жараёни, экспорт салоҳияти ва иш ўринлари яратиш борасидаги натижалари билан эътиборга лойиқ.

Мазкур ишлаб чиқариш корхонаси йилига 42 млн. дона инфузион эритмали дори воситасини ишлаб чиқариш қувватига эга. Йилига 1,5 млн. долларлик экспорт ва Давлат бюджетига 82 млрд. сўмлик тушум уни ҳудуддаги муҳим саноат субъектларидан бирига айлантирган. Яқин истиқболда корхонада 250 та иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари корхона ходимлари билан ўтказган мулоқот давомида аниқланган муаммолар ва билдирилган тақлифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Семинар

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнларига фаол жалб этиш, сиёсий позицияларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш мақсадида тизимли ишлар олиб бoрилмоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ташаббуси билан фаоллар жамоаси ташкил этилди. Ушбу жамоа орқали ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий жараёнлардаги иштироки янада жонланди.

Июнь — “Ёшлар ойлиги” доирасида фаоллар жамоаси ва Ёшлар маслаҳати гуруҳи аъзолари учун республика ҳудудларида ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Жумладан, 19 — 23 июнь кунлари бундай семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтди.

Мазкур семинарларда иштирокчилар

лоиҳа бошқаруви, нотиклик маҳорати, жамоани шакллантириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва фойдала контент тайёрлаш каби йўналишларда билим ҳамда кўникмаларга эга бўлди. Семинарлар якунида иштирокчиларга махсус сертификат ва аъзолик ишонч ёрлиқлари топширилди.

Эътиборлиси, бундай семинарлар бошқа ҳудудларда ҳам давом эттирилади. Бу эса ёшларга ўз салоҳиятини намоён этиш, қонун ижодкорлиги жараёнларида фаол қатнашиш имконини беради.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимизнинг ҳудудлар ривож, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 19-20 июнь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фракциялар олдида турган муҳим йўналишлар муҳокама қилинди. Депутатлар корпуси сайлов округларидаги фаолиятлари давомида белгилаб берилган ҳар бир топшириқ ва вазифанинг мазмун-моҳиятини маҳаллий ижро органлари раҳбарларига етказишлари ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишлари лозимлиги урғуланди.

Шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.



Тadbбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.

Маълум қилинганидек, кейинги йилларда валюта соҳасини такомиллаштириш, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, валюта қимматликларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қатор муаммолар ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш зарурати юзага келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишига, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ҳамда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган.

У билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларидаги валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги тушунчалар ўзаро мувофиқлаштирилмоқда. Қолаверсига, валюта тушумининг бир қисmini мажбурий сотишдан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарликни бекор қилиш кўзда тутиляпти.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Отабек Мусурмонов, Сайдулло Азимов ва бошқалар ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларини саволларга тутишди. Мутасаддилар кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиб, берилган тақлифлар уни такомиллаштириш жараёнида эътиборга олинishi ва улар асосида ҳужжат матни маромига етказилишини таъкидлашди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида кун тартибидан ўрин олган қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси мунозаралар марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг қўшилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Халқаро метрик конвенция 1875 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган дипломатик конференция доирасида 17 та мамлакат вакиллари томонидан имзоланган. Ҳозирги кунга келиб конвенцияда 64 та давлат, жумладан, Туркия, Франция, Германия, Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония қўшилган ҳамда 37 та давлат, хусусан, Ўзбекистон уюшган аъзо сифатида иштирок этмоқда.

Фракция йиғилишида ушбу конвенцияга қўшилиш натижасида мамлакатимиз савдо-иқтисодий салоҳиятини янада ошиши заминида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши йўлидаги ишлар жадаллашиши қайд этилди. Яъни халқаро савдо масалалари, жумладан, экспорт-импорт соҳасининг ажралмас қисми



бўлмиш метрология соҳасида халқаро ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайди, мавжуд техник тўсиқлар камаяди.

Депутатлар Халқаро метрик конвенцияга қўшилишнинг муҳим жиҳатлари ва имкониятларига эътибор қаратди.

Қайд этилганидек, мазкур конвенцияга қўшилиш мамлакатимизда ўтказилган ўлчашлар натижаларининг халқаро даражада тан олинishiга эришиш ҳамда савдо ва экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Савол-жавоблардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кун тартибидан ўрин олган қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси мунозаралар марказида бўлди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда валюта қимматликларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қўллаб муаммолар ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш зарурати мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳа билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Фракция аъзоси Манзура Салимова қонун лойиҳаси юзасидан Ўз муносабатини билдирар экан, заргарлик соҳасидаги ноқонуний фаолиятга нисбатан жавобгарликни белгилаш ташаббуси ижобий қадам бўлиб, бозорни тартибга солиш ор-

электорати бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига кўрсатилаётган ёрдамларнинг аниқ ва манзилли бўлишида принципал аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Қайд этилишича, эндиликда мамлакатимизда ижтимоий ходимнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, уларнинг фаолияти учун муносиб шароит яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Бу эса партия электорати муаммолари аниқланиши ва самарали ечим топишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ижтимоий хизматлар бирламчи, ихтисослашган ва юқори ихтисослашган турларга ажратилмоқда. Яъни ижтимоий хизматлар фуқаронинг уйида, маҳалласида, ижтимоий объектларда ҳамда онлайн шаклда кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Депутатлар ижтимоий фаолиятнинг халқимизга яқин бўлиши муҳимлигини қайд этди. Айниқса, ногиронлиги бор шахсларга қулай ва профессионал хизмат кўрсатилишига эътибор қаратилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича айрим аниқлаштирувчи саволлар ва тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳани иккинчи ўқшишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита билан изчил ҳамкорлик қилиниши айтилди. Юқоридаги асосларга кўра лойиҳа концептуал равишда қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида фракция аъзолари томонидан “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, ижтимоий иш ташкил этиладиган соҳалар, ижтимоий ишни ташкил этишда идоралараро ҳамкорлик, ижтимоий ходимнинг мақоми, вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда махсус ваколатли давлат органи ва унинг ваколатлари белги-ланмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс)ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутиляпти.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида тўхталиб, уни такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар берди. Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Сирожиiddн САЙИДИ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Эй, улуг зотларни улғайтган диёр,
Ҳазрати Бобурни уйғотган диёр,
Валий боболарнинг хабарин берган —
Яъни шох Бобурнинг зафарин берган.

Бу гаплар неча юз йиллардан бўйлар,
“Бобурнома”ларда келгандир булар.
Восифий бобо ҳам айтмиш барини,
Қилмиш хўп таърифлу тавсифларини.

Ул зотнинг тарихий “Воқеънома”си —
Улуғ бир миллатнинг боқий номаси.
Ҳар унган майсаси — қироат тупроқ,
Ҳар хору ҳар хаси — қаромат тупроқ.

Кечмиш замонларни кўрдим ахтариб,
Бутун бир халқ ўтмиш забун ва гариб.
Орзу-умидлари кўкармаган халқ,
Рўзғори, турмуши ўнгармаган халқ.

Гапни узоклардан бошладим, узр.
Мен “Ватаним!..” десам топгайман ҳузур.

Шукурким, шу боғу бўстон ароман,
Боғу бўстон аро дostonсароман.

Паркент тупроғида, Паркент элида,
Юксак чўққиларнинг “Олтинбел”ида,
Элимнинг завқ ила сурурин кўрдим,
Қадду бастин кўрдим, гурурин кўрдим.

Халқнинг кенг ушалган аъмоллари бу,
Ястанган истиқлол шамоллари бу.
Мактаб бораётган талабалардир,
Булар — озодликдан шабадалардир.

Хурриятлар ўсар, Эркинлар ўсар,
Демак, эркинликдан эпкинлар эсар.
Тамошо қил ўтиб, кузатгил кўркин,
“Паркентсой” бўйида уйлари кўргин.

Ўн мингдирми ва ё юз минг хонадон,
Кўрпа-тахомларни тахланг, онахон.
Мусаллас тортгандай Фафур ал-Фулом,
Қуёш ҳам махлиё бўлмишдир тамом.

Тунда ой-юлдузлар элагин элар,
Шу гўзал соҳилга тушгиси келар.

Тоғда ижод уйи, яъни Заркентдир,
Уйғоқ Паркентдир бу, уйғоқ Паркентдир.

Манов маҳалланинг номи “Кумушкон”,
Неча Отабеку неча Кумушхон —
Бунда ота-она меҳридан яйраб,
Булбул каби сайраб, кумридай сайраб —

Садоқат боғида камол топгайлар,
Саодат топгайлар, висол топгайлар.
Мен бу гапларимни ёзмадим бекор,
Халқи бедор доим, қалби ҳам бедор.

Уйғоқлик манзилу маъвосидадир,
Меҳнати мазмуну маъносидадир.
Бедорлик беором эшиклариди,
Дарёлар ўсмоқда бешиклариди.

Мева-чевалари пишиб пайдар-пай,
Юз минг ўлкаларга жунамоққа шай.
Нозу неъматлари қатор элдир бу,
Йил — ўн икки ой ҳам бедор элдир бу.

Сендан ўргангандим элдорликни мен,
Сендан ўргансайдим бедорликни мен.

Кимлар машгул эрур “миш-миш”инг билан,
Сен дунёни олдинг “кишмиш”инг билан.

Сени тadbбиркорим — мадорим дедим,
Мададкорим дедим, даркорим дедим.
Агар ҳар опа, ҳар сингил ободдир —
Демак, маҳалла-қўй Кўнгилободдир.

Миллёнлаб дилларнинг шабодасидай,
Янги ҳаётингнинг ифодасидай —
Хали Байтқўрғондан келар поездлар,
Шошқин замонингдай елар поездлар.

Бир юз саксон уч минг аҳолисин мен,
Шоирлари ичра наволисин мен,
Айтгин десалар гар, дил чироқларин
Ёкиб, кўрсатардим чилдиروقларин.

Булар менинг зарбдор заркорларимдир,
Мен мизғиб қолганда бедорларимдир.
Ватан меҳрин дилга қутб этгандай,
Навоий бобомиз лутф этгандай:

Агарким кўнгиллар боғу чамандир —
Обод Ватандир бу, обод Ватандир.

Мамлакатни кезиб, ҳар кентни кўринг,
Кейин қайтиб келиб Паркентни кўринг.

Демангим: ҳар жойда ҳар хил шамоллар.
Бутун мамлакатда — бир хил шамоллар,
Бедор эл мисоли кезмоқдадирлар,
Ястаниб-ястаниб эсмоқдадирлар.

Самсарак бўлсин, хоҳ Ҳисорак бўлсин,
Уйғоқ кўрғонларинг муборак бўлсин!
Дунё шамоллари эсар сен томон,
Бугун сен ўзингсан соҳиби даврон.

Эй офтобшамолдан нур олган тупроқ,
Боғларинг ҳам уйғоқ, тоғларинг уйғоқ,
Бағринг нур-зиёга хали тўлгуси,
Менинг ҳам юзларим ёруғ бўлгуси.

Давлатлар сафида дастхатларинг бор,
Давлатбошинг бoрдир — давлат сенга ёр.
Элим, баланд бўлсин мартабаларинг,
Мангу эсаверсин шабадаларинг.

Топган ҳалол нонинг, шонингга қасам,
Тун-кун ҳилпираган байрогининг ҳам —
Номини бедорлик атаб қўйгайман,
“Олтинбел” чўққингга қадаб қўйгайман.

ПРАГМАТИЗМ СИЁСАТИ

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар негизда қуруқ сўз ва ваъдалар эмас, балки муайян ишлар, тадбирлар мужассам

«Марказдаги давлат» масъулияти

Ўзбекистонда кечаётган кенг қўлам-ли иқтисодий трансформация жараё-ни сезиларли натижа кўрсатмоқда. Мамлакатимизда барқарор ўсиш куза-тиляпти, бунда эса чуқур ўйланган қарор-лар ҳамда ижтимоий йўналтирилган сиёсат давом эттирилмоқда. Кейинги саккиз йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти икки баравар ошди. 2030 йил-га бориб, кўрсаткични 200 миллиард долларга етказишдек улкан, аммо реал мақсад белгилаб олинган.

Инвестициявий муҳит ҳам аниқ ра-қамларда намоён бўлмоқда. Биргина 2024 йилда мамлакатимиз иқтисодиё-тига киритилган сармоялар 35 милли-ард долларга, экспорт эса — 27 ми-лиард долларга етди. Бунда ўсиш та-содифий эмас, балки тизимли: яъни Ўзбекистон кейинги беш йилда Иқти-содий эркинлик индексида 48 поғона-га кўтарилган бўлса, Ҳарвард иқтисо-дий мураккаблик индексида 28 поғо-нага юқорилади. “S&P” халқаро агент-лиги мамлакатимизнинг суверен рей-тингини кўтариб, башоратни “барқа-рор”дан “ижобий”га ўзгартирди.

Бундай иқтисодий кўрсаткичлар ор-тида бутун мамлакат миқёсида амалга оширилаётган чуқур ислохотлар нати-жага турибди. Шу билан бир қаторда, аҳолининг фаровонлиги ортиб, ҳаёт си-фати яхшилланяпти. Ижтимоий йўнал-тирилган ташаббуслар рўёбга чиқарил-моқда, давлатнинг инфратузилма асо-слари мустаҳкамланаётди. Транспор-т инфратузилмасини модернизациялаш-га алоҳида эътибор берилмоқда, чун-ки у халқаро иқтисодиётга интегра-циялашиб, алоқаларни кенгайтириш-нинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Натижада Ўзбекистон давлати халқ-аро қизиқиш кучайиб бораётган объектга айланмоқда. Бу қизиқиш ҳисоботлар ва рейтингларда ҳам, ҳар кунги янгиликларда ҳам намоён бўлмоқда. Яъни мамлакатимиз ҳақида интернетдаги сўровлар, БАА, Сингапур, АҚШ, Австралия ва бошқа давлатлар-даги фойдаланувчиларнинг юртимизга саёҳат қилиш бўйича қайдрувлари, ай-ниқса, йирик медиа-майдончалардан тўшаётган саволлар шундан далolat бериб турибди.

Американинг нуфузли наشري — “The Diplomat” хинд профессори Шанти Ма-риент Д’Соузанинг мақоласини эълон қилди. Унда Ўзбекистоннинг минтақа-вий сиёсатдаги роли марказий, деб эътироф этилган. Профессор таъкид-лаганидек, дунёда бекарорлик ортиб бораётган шароитда айнан Ўзбекистон мамлакатлар ва минтақалар манфаа-тини бирлаштириш бўйича стратегик жиҳатдан синалган моделни, шунинг-дек, транспорт йўлақларини таклиф этмоқда.

— Ўзбекистон “марказдаги давлат” сифатида Марказий ва Жанубий Осиё, шунингдек, Евроосиё минтақалари ўртасида болговчи кўприк бўлиб қолди, — деб ёзди у.

Бу эътироф адолатли ва ўринли. Зо-тан, халқаро экспертлар фикрича, ай-нан Президент Шавкат Мирзиёев мин-тақалараро болгликчини чуқурлашти-ришга қаратилган курснинг ташаббус-кори ва юритувчиси бўлди. Бунда мам-лакатнинг ташқи сиёсатини яратувчан-лик ва ҳамкорлик воситасига айлан-тирди.

Харитага қарайдиган бўлсак, шу на-рса аён бўлади: айнан Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг жуғрофий, сиёсий ва демографик ядроси. Кейин-ги саккиз йилда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бу мамлакат масъулиятли ролни ўз бўйинга олди. Бу рол эса бутун минтақа учун бир-лаштирувчи омил бўлишидир.

Сирасини айтганда, бу — ўзбек ди-пломатиясининг муҳим ғалабаларидан бири бўлиб, унда “кеган тамойил рўёбга чиқарилади. Марказий Осиё мамлакат-лари ўртасида муаммолар сақланиб турган ҳамда келишмовчиликлар муқаррар бўлган даврда Президент Шавкат Мирзиёев минтақавий интегра-цияга бошқача тус берди.

Бир-биридан узоклашиш сиёсатидан воз кечиб, раҳбаримиз яхши қўшничи-лик учун қўл чўзди: чегара муаммолар-и ҳал этилди, ўзаро мулоқот йўлга қўйилди, минтақа халқаро ҳамжамият учун ҳам очилди. Ўзбекистон минтақа-вий ҳамкорлигининг янги моделини так-лиф этди. Бу модель рақобат ва “етақ-чилик” учун “пойга”дан воз кечиб, ишонч ва бирдамликка асосланишдан иборат эди.

Шундай қилиб, “дўстлик диплома-тияси” юзага қилди. Бугун унга қўшни-

лар ҳам амал қилмоқда. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат урчушувлари форматада ўзбек томо-нининг салмоқли ҳиссаси бор. Шу асосда дунёнинг етакчи давлатлари ҳам ўзларининг муқобил форматларини фаол равишда илгари сура бошлади, масалан — “беш плюс”: АҚШ, Россия, ЕИ ва Европа давлатлари, Хитой ҳамда бошқалар.

Бундай эътибор шуни тасдиқлайди-ки, Ўзбекистон қузатувчилик ролидан энди минтақавий яқинлашувнинг ҳара-катлантирувчи кучига айланди. Ва бу янги роль, яъни минтақа юрагидagi барқарорлик, ҳамкорлик ва умумий кел-ажак учун масъулият туфайли Ўзбе-кистон эътирофга лойиқ. 3 миллион квадрат километрдан ҳам катта майдонда расмий Тошкент шаънига, нафақат ўзи учун, балки қўшнилар учун ҳам ташаббус кўрсатаётган пой-тахт шаънига бекиёс ҳурмат кўрсатил-моқда.

Қўшнилар ҳам, узоқ хорижий дав-латлар ҳам аллақачон тушуниб етиш-дики, янги Ўзбекистоннинг сиёсати аг-рессив эмас. Бу сиёсат устунликка интилиш сиёсати ҳам эмас. У прагма-тизм сиёсати бўлиб мукаммал, муво-занатли ва тизимли ёндашувдир. Унинг асосида: “Аввал иш бўлсин, сўзлар кейин ўзи келади”, деган тамойил ётади. Муҳими, бу сиёсат ҳақида энди нафақат Тошкентда, балки Нью-Дехли, Пекин, Вашингтон, Москва ва Брюс-селда гапирилмоқда.

Асосий бойлик — очиклик

Биз фақат бешта мамлакатнинг пой-тахтини санаб чиқдик, холос. Лекин июнь ойида Ўзбекистонга бўлган чи-накам ишончини Ер шарининг ярми — деярли юзта давлат тан олди. Айнан шунча давлат вакиллари тўртинчи Тош-кент халқаро инвестиция форумида қатнашди. Улар ишончини фақат сўзда ифода этиш билан чекланмади. Балки

рўйхатдан ўтган. Бу эса бир йил ав-валги рақамга нисбатан 14,3 фоизга кўп. 2024 йил якуни билан мамлакатимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими бўйича 2,8 миллиард доллар кўрсаткич билан етакчи ўринни эгал-лади. Бунда биз ҳудудимизни кенгай-тирганимиз ҳам йўқ, янги конларни оч-ганимиз ҳам йўқ. Бунда мамлакатнинг ўзи ўзгарди. Унинг янгича моделига эса Президент Шавкат Мирзиёев томони-дан илгари сурилиб, амалда рўёбга чи-қарилаётган очиклик сабабчи бўлди.

Тарихга назар ташласак, очиклик иқтисодий юксалишнинг шарти сифа-тида нақадар муҳим экани аён бўлади. Хитой ўтган асрнинг 70-йиллари охири — 80-йиллари бошида “катта сакраш” ва “маданий инқилоб”нинг оғриқли оқибатларини бошдан кечирди. Дэн Сяопин натижага эришиш мақсадида турғунликдан воз кечиб, ислохотлар йўлига ўтишни таклиф этди. Унинг машҳур ибораси: “Мушукнинг ранги қора бўладими, оқми — муҳим эмас, асосийси — у сичқон ушласин”. Бу ибо-ра прагматизмнинг рамзига айланди ва Хитой қисқа муддат ичида шиддат бил-лан ривожлана бошлади.

Бундай тажриба бизга ҳам таниш. Президент Шавкат Мирзиёев давлат томонидан ҳаддан ташқари назорат ўрнатилган тизимдек меросга дуч ке-лар экан, либераллаштириш йўлига ўтди: валюта бозори очик бўлди, солиқ юки пасайтирилди, хусусийлаштириш жараёни жадаллаштирилди. Бунда ислохотлар босқичма-босқич, пухта ўйланган ва миллий шaroитларга мос-лаштирилган ҳолда олиб борилди.

Ўзбекистон ўз эшикларини жаҳонга очди: виза тартиби соддалаштирилди, халқаро бизнес учун қулай шарт-ша-роитлар яратилди, сайёҳлик соҳаси раббатлантирилди, қонунлар модерни-зация қилинди, сармоядорларни ҳимоя қилиш кучайтирилди. Лекин муҳими, бу жараёнда стратегик аҳамиятга эга сек-тор устидан назорат сақлаб қолинди, иқтисодий сиёсатнинг барқарорлиги ва суверенлиги таъминланди.

“**Ўзбекистон Президенти шундай тамойилдан келиб чиқадики, инвестиция — бу фақат пул эмас, у — билим, технология, янги ваколат ва ҳуқуқлар. Хорижий маблағлар ёрдамида глобал ишлаб чиқариш занжирларига интеграциялашиш, инсон капиталини ривожлантириш, мамлакатлар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун йўл очилади. Ўз навбатида, улар янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий мақсадларига — инсоннинг осийишатилиги ва фаровонлигига эришишга, унинг салоҳияти рўёбга чиқишига ёрдам беради.**”

амалда, яъни мамлакатимизга сармоя киритиш, биз билан ҳамкорлик қилиб, биздаги ислохотларга хайрихоҳ бўлиш истигани билдирди.

Ўзбекистон пойтахтида муваффақи-ятли ўтказилган инвестиция форуми ана шундай ҳамкорлиқнинг қўлами кенглигини кўрсатди. Унга келган минг-лаб қатнашчилар орасида давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, вазирлар, энг йирик халқаро молия ташкилотлари ҳамда корпорацияларнинг бошлиқлари бор эди. Ўзбекистонга нисбатан бун-дай катта қизиқиш, албатта, ишончсиз бўлмайди. Ишонч эса — натижасиз қол-майди. Ўзбекистон Президентининг сермизмун, пухта ўйланган ва страте-гия ҳижатдан асосланган нутқида на-фақат мамлакат ривожининг параметр-лари белгилаб берилди. Балки унда давлат раҳбари геосиёсий жараёнлар-ни чуқур таҳлил қилган ҳолда, бекарор ҳамда заҳиралар тақчиллиги шароити-да сармоядорлар қандай йўл тутиши кераклиги бўйича аниқ таклифларни билдириб, очик халқаро мулоқотга тайёр бўлишга даъват этиш орқали Ўзбекис-тонни глобал контекстга киритди.

Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати пасайиб бораётган, кел-ишмовчиликлар кучайган ва глобал инвестициявий шароит ёмонлашган бир шароитда Ўзбекистон ноёб ва қим-матли заҳирани таклиф қилмоқдаки, у ҳам бўлса — барқарорлик, тараққиёт, башорат қилиш имконияти. Айнан ана шу заҳира мамлакатимизни капитал ва технологиялар учун, хавфсиз, тинч му-ҳитда ривожланишни истайдиган одам-лар учун жозибадор қилмоқда.

Биз трансформация жараёнлари қанчалик муваффақият билан давом этаётганини охиригача англай олмагя-миз. Бир неча йил аввал Ўзбекистон халқаро инвестициялар харитасида зўрга қўринадиган чекка давлат сифа-тида тасаввур қилинар эди. Бугун ва-зият тубдан ўзгарди. Масалан, 1 июнь ҳолатига Ўзбекистонда хорижий капи-тал иштирокидаги 16 405 та корхона



Хоссам ПАЙДЮЕВ олган сурат.

Ва менга маълумки, тўғри қадамлар қўймоқда. Ўзбекистон — бой тарихга эга мамлакат. Агар ҳозиргидай курс сақланиб қолса, муваффақиятлар ал-батта тақоррланади. Бунинг учун сиз-ларда ҳамма керакли нарса — меҳнат-каш одамлар, стратегик жиҳатдан му-ҳим бўлган жуғрофий жойлашув, таби-ий ресурслар мавжуд, — деди халқаро инвестор, “Beeland Interests, Inc.” ком-панияси раиси Жим Рожерс.

Тошкент форумининг қатнашчилари бир фикрда яқдил: Ўзбекистоннинг ин-вестициявий жозибадорлиги ортиб бормоқда. Улар ўз башоратларини мо-лиявий жиҳатдан ҳам тасдиқлашди, яъни ўзбек томони билан 30 миллиард доллардан ортиқ қийматга баҳоланган битимлар имзоланди. Бу рақам орти-да муҳим бир хулоса бор — аниқ қарор-лар ва маблағда ифодаланган ишонч-нинг тасдиғи шундан далolat беради-ки, Ўзбекистон Президентини олиб бо-раётган прагматик сиёсат нафақат ўз вақтида юритилмоқда, балки ҳозирги, қўллаб мамлакатлар “турбулент” ҳолат-га тушиб қолган бир шароитда страте-гик жиҳатдан жудаям тўғри бўлмоқда.

Вазмин ёндашув таъсири

Халқаро сиёсат ва глобал тенден-циялар ҳақида сўз кетса, биз кўпинча муҳим бир ҳақиқатни кўздан қочира-миз: мамлакатнинг барқарор ўсиши ички янгиланишларсиз мумкин бўлмай-ди, бунда янгиланиш нафақат иқтисо-дий кўрсаткичларда ёки дипломатик ташаббусларда ифодалананди — балки ҳақиқий ўсиш комплекс тарзда ривож-ланишда намоён бўлади.

Янги Ўзбекистон бугун кўпчиликнинг нигоҳида. Мамлакатимиз ҳақида кўп ёзишмоқда ва бу ерга тез-тез ташриф буоришяпти. Келувчилар эса сиёсат,

“**Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати пасайиб бораётган, келишмовчиликлар кучайган ва глобал инвестициявий шароит ёмонлашган бир шароитда Ўзбекистон ноёб ва қимматли заҳирани таклиф қилмоқдаки, у ҳам бўлса — барқарорлик, тараққиёт, башорат қилиш имконияти. Айнан ана шу заҳира мамлакатимизни капитал ва технологиялар учун, хавфсиз, тинч муҳитда ривожланишни истайдиган одамлар учун жозибадор қилмоқда.**”

иқтисодиёт, халқаро муносабатларда юз бораётган ўзгаришларга гувоҳ бўлишни истайди. Лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатга чинакам ишончи нафақат музокараларда, балки бошқа — илмий ва гуманитар соҳаларда ҳам шаклла-нади. Давлат тараққиётининг даража-си креатив индустриядан тортиб, спортгача бўлган “юмшоқ” йўналишлар-да ўзини қандай намоён этаётганида ҳам кўринади. Ўзбекистон бунда ҳам ўз қиёфасини баралла кўрсатди.

Яқинда футбол майдонида рўй бер-ган катта воқеа кучли ҳаяжонга сабаб, халқаро ОАВдаги муҳокамага мавзу бўлди, асосийси, мамлакатимиз ичка-рисида улкан фахр-ифтихор уйғотди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси та-рихда илк бор саралаш ўйинларида му-

ваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чем-пионати йўлнамасини қўлга киритди. Айнан Ўзбекистон футболчилари Мар-казий Осиёдан биринчи бўлиб ва яго-на жамоа сифатида мундиалда ўйнай-диган бўлди.

Миллионлаб ишқибозлар учун ушбу дақиқалар узоқ қутилганди. Илгари ўйилликлар давомида Ўзбекистон са-ралаш турнирларида кўп марта қатнаш-ган, аммо ҳар сафар нимадир етиш-масди.

Ҳалабалар тасодифий бўлмайдди. Уларга мустаҳкам замин тайёрланиши керак. Ва бу замин, пойдевор бир-икки йилгина аввал қўйилган эмас: футбол соҳаси босқичма-босқич, давлат қўма-ги билан ва узоқ муддатли режа-лаштириш орқали ривожланиб борди. Президентимизнинг футбол инфрату-зилмаси, академияни қўллаб-қувват-лаш, ёш истеъдодлар учун шароит яратиш бўйича қабул қилган қарорлари ўзининг ҳал этувчи ролини кўрсатди.

Хусусан, 2024 йилда мамлакатимиз спорт хроникаси ёрқин сарлавҳалар билан тўлиб борди. Аввалига, 23 ёшга-ча бўлган терма жамоамиз тарихда илк бор Олимпия ўйинларида қатнашди. Жорий йил баҳорида 17 ёшгача бўлган футболчиларини Осиё кубогини қўлга киритиб, жаҳон чемпионатида йўллан-ма олди. Мана, энди эса — миллий терма жамоамизнинг улкан ютуғи ав-валги муваффақиятларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбек спортчиларининг муваффақи-яти ҳақида бутун жаҳонда гапира бош-лашди. Табриклар фақат расмий шахслар ва спорт таҳлилчиларидан эмас, балки халқаро футбол функцио-нерларидан ҳам келди. Жумладан, Фут-бол ассоциациялари халқаро федера-цияси (ФИФА) раҳбари Жанни Инфан-тино Президент Шавкат Мирзиёев но-

дай ёрқин натижа юртимиздаги мил-лионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орузи эди”.

— Биринчи марта жаҳон футбол аре-насига чиққан Ўзбекистон халқаро ҳам-жамиятнинг диққат марказида бўлиб турибди ва бу жамоанинг ўйинини ку-затиш жуда қизиқ, — деб эътироф этди Германия спорт шарҳловчилари.

Мамлакатимизнинг футбол майдони-даги ютуғи умумий манзаранинг ёрқин бир қисми бўлди. Чунки спорт худди давлат бошқаруви ва халқаро муноса-батлар сингари, стратегик тафаккур, чидамлилик ва бир неча йил олдиндан фикрлаш қобилиятини талаб қилади. Футболдаги ғалаба тасодиф эмас, бал-ки жамият ҳаётининг ҳар қайси соҳаси каби муҳим бўлган оқилона сиёсатнинг натижасидир.

Қайсики мамлакат дунё саҳнида му-ваффақиятга эришар экан, демак, ўша ерда истеъдод, меҳнат ва ғалабага интилиш қўллаб-қувватланади, барча соҳанинг ривожланиши учун қулай ша-роитлар яратилган. Ва танланган та-раққиёт йўли — тўғри, оқилона ва узоқ муддатли.

Бугунги кунда сайёрамиз қарама-қаршилиқлар гирдобиди мувозанатга эришишга ҳаракат қилаётган экан, Ўзбекистон ана шундай оқилона йўлни танлади. Бу вазмин ёндашув ва пра-гматизм йўлидир. Негаки, дунёда ҳамма баянд овозда гапиришга интилар экан, бундай шароитда аста-секин, аммо ишонч билан ҳаракат қила ола-диганлар ютади. Ўзбекистонда тинчлик ҳукмрон, бу ерда етакчининг сўзлари аниқ хатти-ҳаракатлар билан қувватла-нади. Айнан шу — бугун дунё очик тан олаётган, минтақамизда тинчлик-тотув-лиқнинг барқарорлигига, мамлаката-мизда тараққиёт ва фаровонликка хиз-мат қилаётган прагматизм сиёсатидир.

Асрий орзулари ушалиб элнинг, Ўзлгин қаддини кўтарди бардам. Манзили порлоқдир бу янги йўлнинг, Шижоат, шашти зўр, одимлар шаҳдам. Диллар ҳам шодликдан тўлар экан-ку, Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Бу дамлар ўзидан бўлмади пайдо, Армонлар бирма-бир ечмоқда тутун. Қадри ҳам юксалиб олинган-қун ҳатто, Бунёдор элимиз шод, омон бу кун. Боболар, момолар билар экан-ку, Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Тенгларнинг ичиди тенгдир жон Ватан, Илм-фан бобида ҳеч қимдан каммас. Келажак умиди фарзандлар экан, Унинг машъаласи ҳеч қачон сўнмас. Бахт қулиб, бошнини силар экан-ку, Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Юртбошим меҳри бу, эътибори бу, Ҳар қалбда уйғотган ғайрат, шижоат. Ватанга муҳаббат абадий туйғу, Олдинга интилмоқ чоғидир фақат! Орзулар вақт келиб гуллар экан-ку, Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Ўткир РАҲМАТ.

Кейинги йилдан эътиборан иқтидорли бошқарувчилар ва лидерларни, янги авлод раҳбарларини аниқлаш ҳамда танлаш бўйича «ТОП — 100» дастури жорий этилади.

БМТ форуми: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Самарқанд шаҳрида илк бор БМТнинг "2030 йилга қадар 5 йил: Барқарор келажақ учун хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш" мавзuida Давлат хизмати бўйича форуми ўз ишини бошлади.

Анжуман

Ушбу глобал аҳамиятга эга тадбирда Европа, Осиё, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларидан вазирлар, шунингдек, давлат хизматига масъул раҳбарлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, илмий доиралар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум қатнашчиларига табриги ўқиб эшиттирилди. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти иқтисодий ривожланиш бўйича бош котиби ёрдамчиси Навид Ханиф, Малайзия Бош вазири ўринбосари Фадиллоҳ Юсуф сўзга чиқиб, анжуман ишига муваффақият тилади.

Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов форумнинг Самарқанд декларацияси ҳақида маълумот берди. У рақамли трансформация, инновация ва янги технологиялар, ишончли давлат бошқаруви, инклюзивлик ҳамда технология, киберхавфсизлик каби етти мақсаддан иборатлигини қайд этди.

— Президентимизнинг табригида давлат



бошқарувида рақамли трансформацияни рағбатлантириш, давлат хизматларини кўрсатишнинг инновацион ечимларини қўллаш, давлат сектори институтларида самарадорликни кескин ошириш, лидерлик бошқарув услубини ривожлантириш, узлуксиз таълим олишни кенгайтириш ва бўлажақ раҳбарлар учун зарур кўникмаларни белгилаш бўйича илғор тажриба алмашиш масалаларига катта аҳамият қаратилган, — деди Ш. Шерматов. — Мамлакатимизда "Рақамли ҳукумат" идоралараро интеграция платформаси орқали 49 та давлат органининг 390 дан ортиқ веб-хизматлари амалга оширилмоқда. Уларга ҳар кун 216 дан ортиқ ахборот тизимлари уланади. Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари 760 дан ортиқ электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 11 миллиондан ошди. Биз 2030 йилгача ра-

қамли технологиялар экспортини 5 миллиард АҚШ доллариغا етказишни мақсад қилганмиз. Жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Анжуман иштирокчилари шуёбаларда ўз ишини давом эттирди. Уч кун давомида бир қатор мавзулар юзасидан маърузалар ўқилади ва муҳокама қилинади.

Форум қатнашчилари томонидан давлат хизматларининг сифати, шаффофлиги ва аҳоли учун очиклигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, форумда халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, айнисса, ривожланаётган давлатлар ўртасида тажриба алмашиш ҳамда давлат хизматларидан тенг ва адолатли фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган Самарқанд вазирлар декларацияси муҳокама қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Абдулужабр ЙЎЛДШЕВ («Халқ сўзи»).

БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА ДАДИЛ ҚАДАМ

23 — 25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида яна бир йирик ва глобал аҳамиятга молик тадбир — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича форуми бўлиб ўтмоқда. Бундай нуфузли анжуманнинг Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимиз учун қатор имкониятлар эшигини очиб била аҳамиятлидир.

Муносабат



Форумнинг мавзуси — "2030 йилга қадар 5 йил: Барқарор келажақ учун хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш" деб номланб, у БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти (UN DESA) ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ташкил этилди.

Давлат хизматларини самарали ташкил этиш, инновацияларни жорий қилиш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида давлатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакиллари бirlаштирган анжуман мамлакатимизда олиб бoриладиган ислохотларни жаҳон ҳамжамиятига намойиш этиш ва соҳа экспертларидан ҳолис баҳо олиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган туб ислохотлар давлат хизматлари тизимида ҳам ижобий ўзгаришларга йўл очди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан давлат фуқаролик хизмати трансформация қилинди. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ҳаётий тамойилдан келиб чиқиб, Президентнинг виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Янги тузилма — "Маҳалла етилиги" тизими йўлга қўйилди.

Давлат хизматини натижадорликка йўналтириш мақсадида ижро этивчи ҳокимият органлари, жумладан, бошқарув ҳодимлари 30 фоиз қисқартирилди, 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатлари талаб этиш тугатилди.

"Электрон ҳукумат" тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди. 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижроия органлари сони 61 тадан 28 тага, жумладан, вазирликлар сони 25 тадан 21 тага қисқартирилди. Асосийси, Ўзбекистон ушбу соҳадаги ислохотларни давом эттириш йўлида собитқадам.

2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Агентлик давлат органлари ва

ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш ҳамда ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга масъул орган этиб белгиланди. Агентлик зиммасига профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантириш, кадрлар билан ишлашнинг инновацион усулларини жорий этиш, кадрлар таркибининг сон ва сифат хусусиятларини яхшилаш каби қатор вазифалар юклатилди.

Уч йил олдин 2022 йил 8 августда имзоланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун соҳадаги қўпгина муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини берди. Кадрлар сиёсатида оид 160 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этилди. Давлат хизматидаги вакант лавозимларни очик танлов орқали эгаллаш тизими амалга кўрилди лавозимларига захира тайёрлаш тизими яратилди.

Ўртбошимиз фаолиятининг илк кунидан бошлаб Ўзбекистонда давлат идораларида ишни ташкил этиш ва давлат хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Соҳада кадрлар билан боғлиқ қатор тизимли муаммолар мавжудлиги юқори минбарлардан айтилди. Давлат хизматини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда бугунги талабларга мослаштириш вазифаси кун тартибидан ўрин эгаллади.

"Давлат — халқ хизматчиси" тамойили аҳолини тинглашни, унинг муаммоларини тушунишни ва эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни назарда тутди. "Инсон кадри учун, инсон бахти учун, инсон розилиги учун!" тамойили мамлакат Конституциясида, қонунларида ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги Ўзбекистон етакчиси қатъий талабига айланди.

Ўзбекистоннинг бошқарувдаги яна бир ижобий натижаси — Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "давлат — жамият", "раҳбар — фуқаро" муносабатларининг янги шакли юзга келди. Мақсад — раҳбарларни халқ билан юзлаштириш, мансабдорлар билан фуқароларни бир-бирига яқинлаштириш, жойлардаги муаммоларни синчковлик билан ўрганиш асосида халқчи қарорлар қабул қилишдир.

Демак, БМТнинг Давлат хизмати бўйича форумининг Ўзбекистонда бўлиб ўтишига асослар бор. Биринчидан, мамлакатимиздаги барқарорлик ва ислохотлар йўли дунё эътиборига тушди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар, жумладан, давлат бошқарувини ислох қилиш, корруп-



цияга қарши курашиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёнлари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётир. Бундай сиёсий барқарорлик ва ислохотларга содиқлик Ўзбекистонни халқаро тадбирлар учун ишончли ва қулай майдонга айлантирди.

